

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВА НАФИСА РАЖАБОВНА

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИНИНГ ИРСИЙ ШАКЛЛАРИДА
МИТОФАГИЯ ВА АУТОФАГИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ, ҲУЖАЙРАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD) Оглавление
автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Комилова Нафиса Ражабовна

Паркинсон касаллигининг ирсий шаклларида митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштириш, хужайраларни химоя қилишнинг устувор йўналиши сифатида.....3

Komilova Nafisa Rajabovna

Activation of mitophagy and autophagy in familial forms of Parkinson's disease, as a potential strategy for cell protection.....21

Комилова Нафиса Ражабовна

Активация процессов митофагии и аутофагии при наследственных формах болезни Паркинсона, как потенциальная стратегия защиты клеток.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.В.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КОМИЛОВА НАФИСА РАЖАБОВНА

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИНИНГ ИРСИЙ ШАКЛЛАРИДА
МИТОФАГИЯ ВА АУТОФАГИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ, ҲУЖАЙРАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/В624 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз ва рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирходжаев Улугбек Закирович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мерзляк Пётр Григорьевич
биология фанлари доктори

Баев Артём Юрьевич
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.В.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» апрел соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 33 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru; tamurjon2281@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» март кuni таркатилди.

(2022 йил «24» март даги № 1 рақамли реестр баённомаси)



Сабилов Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Позилев Маъмуржон Комилжонович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д.

Ахмеджанов Искандар Гулимович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Паркинсон касаллиги (ПК) – учраш частотаси бўйича иккинчи ўринда турувчи (Алцгеймер касаллигидан кейин) ва дунёнинг барча нукталарида учровчи нейродегенератив касаллик ҳисобланади. Касаллик ер юзи аҳолисининг 0,3% ни қамраб олиб, ёш ортиб бориши билан касаллик учраш ҳолатлари ортиб боради: 55 ёшдан кейин 1% ва 70 ёшдан ошган аҳоли ўртасида 4% гача етиши мумкин. Бироқ «Паркинсон касаллиги бўйича ишчи гуруҳи» халқаро ассоциациясининг маълумотларига кўра яқин йилларда Паркинсон касаллиги меҳнат қобилиятидаги инсонларга ҳам сезиларли таъсир кўрсата бошлайди. Ҳозирда бу касаллик 50 ёшгача беморларининг ҳар ўнтасидан биттаси ва 40 ёшгача бўлганлар ўртасида ҳар йигирматадан бирида учрайди. Шу муносабат билан ушбу касаллик патогенезининг молекуляр механизмларини тадқиқ қилиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда дунёнинг етакчи илмий марказларида аутофагия жараёнини фаоллаштириш орқали кўплаб касалликлар, хусусан, Паркинсон каби нейродегенератив касалликларни даволаш мақсадида дори воситаларни янги авлодларини яратишга қаратилган тадқиқотлар кенг миқёсида олиб борилмоқда. Патология жараёнларининг кечиши аутофагия – ҳужайранинг шикастланган оксил ва органеллаларни тозалаш хусусиятининг издан чиқиши билан боғлиқдир. Шикастланган митохондрияларни зарарсиз йўл билан тозалаш усули ҳисобланган митофагия жараёнининг издан чиқиши, бунинг оқибатида эса аутофагия жараёнининг бузилиши аввало, бош миянинг қора моддасидаги, қолаверса марказий асаб тизимининг бошқа қисмларидаги дофамин синтезловчи нейронларнинг тобора ортиб боровчи ўлимига сабаб бўлади. Турли хил патологияларда аутофагия жараёнларини фаоллаштириш бўйича эришилган ютуқларга қарамай, замонавий тиббиёт уларнинг молекуляр механизмларини аниқлашни тақазо этмоқда.

Республикамызда нейродегенератив касалликларда ҳужайраларда юзага келадиган патологик ўзгаришларни тадқиқ қилиш бўйича фундаментал ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш»¹ вазибалари белгилаб берилган. Бу борада аҳоли орасида тобора ортиб бораётган Паркинсон касаллигида ҳужайра апаптозининг молекуляр механизмларини асослашга қаратилган тадқиқотлар асосий ўрин тутуди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва 2020 йил 12

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда дунёнинг йирик илмий тадқиқот марказларининг олимлари томонидан касаллик келиб чиқишининг механизмлари ва турли хил даволаш йўллари кенг тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, ПҚ нинг асосий хусусиятларидан бири бу агрегацияланувчи оксиллар ва оксил табиатли киритмаларнинг хужайрада тўпланиши бўлиб, муҳим патогенетик аҳамияти аниқланган (Xilouri, Stefanis, 2010). Шунингдек, патоген α -синуклеин оксили тўпланиб Леви таначаларини ҳосил қилганлиги (Recasens, Dehay, 2014), A53T, A30P ва E46K мутацияларидан бири натижасида α -синуклеин патоген хусусиятга эга бўлиши тавсифланган (Singleton et al., 2003). Аномал шаклдаги α -синуклеиннинг АТФ синтаза ферменти билан таъсирлашуви РТР (Permeability Transition Pore) очилишига ва шу орқали нейронларнинг дегенерациясига сабаб бўлиши қайд қилинган (Abramov et al., 2018). Митофагия ва аутофагия жараёнлари хужайра ичи рН ўзгариши натижасида иницирланиши аниқланган (Berezhnov et al., 2016).

МДХ давлатлари миқёсида олиб борилган тадқиқотларга кўра ПҚ биринчи клиник симптомлари ушбу касалликнинг авж олиш тезлигини белгилаб беради (Левин О.С ва ҳаммуал., 2012). Жумладан, касалликда кузатиловчи титроқ, дастлабки ўн йил ичида аста секин авж олиши ҳақида хулоса қилинади (Иллариошкин С.Н ва ҳаммуал., 2012). Сўнгги йилларда, ПҚ беморларининг ҳаёт тарзига мотор (гипокинезия, тремор) ва мотор бўлмаган (психологик, сенсор, уйку бузилиши) симптомлар таъсир қилиши аниқланган нофармокологик даволаш усуллари кенгайиб бормоёда (Камакинова А.Б., 2015). Ушбу тадқиқотларда олинган натижалар ва ютуқларга қарамадан ирсийланувчи турдаги Паркинсон касаллигида хужайра даражасида аутофагия ва митофагиянинг ролини баҳолашга оид бир қатор саволлар камроқ ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида Паркинсон касаллиги юзасидан илмий тадқиқотларни Х.М.Халимова ва бошқалар олиб борган (2010; 2011; 2012). Беморларнинг 15-20% да паркинсонизм ирсият билан боғлиқлиги аниқланган (Маджидова Ё.Н., 2011). Тиббиётнинг неврология соҳасида (14.00.13–Неврология) ўзбек миллатига мансуб кишиларда ПҚ ривожланишида молекуляр-генетик полиморфизмнинг роли, хусусан PARK1, A53T ва PARK2 генидаги T240M мутациялар, LRRK2 генидаги G2019S мутацияларининг Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг клиник белгилари

билан ўзаро боғлиқлиги тадқиқ этилган (М.М.Раимова 2017). Сўнгги йилларда ПК этиологияси, патогенези ва патофизиологияси масалаларини ишлаб чиқишга қаратилган биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар давом этмоқда. Бироқ мазкур ишлар паркинсонизмнинг турли хил шакллариининг диагностик критерийлари ва даволаш оптимизациясига қаратилган бўлиб, ҳужайра даражасида касаллик келиб чиқиши ва ривожланишининг молекуляр механизмларини ёритиб бермаган. Паркинсон касаллигини ҳужайра даражасида тадқиқ қилиш амалга оширилмаган. Юқорида таъкидлаб ўтилганларга боғлиқ ҳолатда, Паркинсон касаллигининг ирсий шаклларида ҳужайрани ўлимдан сақлаб қолувчи митофагия, аутофагия каби жараёнларни фаоллаштиришнинг янги йўллариини излаб топиш ва тадқиқ қилиш сўзсиз равишда қизиқиш уйғотади ва долзарб масала ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети биофизика кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Мембранафаол бирикмалар таъсирининг ион механизмларини ўрганиш» илмий йўналиши ва Нейрология институтида (Лондон, Буюк Британия) №821522 «A quantitative approach towards the characterization of mitochondrial dysfunction in Parkinson's disease» (2019-2022) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади Паркинсон касаллигининг ирсий шаклларида эга ҳужайралардаги митофагия ва аутофагия жараёнларига лактат ва пируват каби моддаларнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Паркинсон касаллигига олиб келувчи турли хил мутацияга эга ҳужайраларда цитоплазматик базал рН кўрсаткичини, ҳамда лактат ва пируват таъсирида цитоплазматик рН ўзгаришларини тадқиқ қилиш;

лактат ва пируватнинг ҳужайралардаги митофагия жараёнига таъсирини аниқлаш;

лактат ва пируват таъсирида индуцирланган аутофагия жараёнини тадқиқ қилиш;

Паркинсон касаллигига олиб келувчи турли хил мутацияга эга ҳужайралар ўлимига лактат ва пируватнинг таъсирини аниқлаш.

фибробласт ҳужайралари мембранаси орқали амалга ошадиган Ca^{2+} транспортига краун эфирларнинг таъсирини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти Паркинсон касаллигига чалинган беморлардан олинган ва ҳар бири алоҳида A53T (SNCA), PINK1, PINK1/PARK2, SNCA трипликацияси ва PGK (фосфоглицераткиназа) генлари мутациясига эга фибробласт ҳужайралари ҳисобланади (1-жадвал).

Тадқиқотнинг предмети бўлиб лактат ва пируватнинг фибробласт ҳужайраларининг цитоплазматик рН кўрсаткичларига, митофагия ва аутофагия жараёнларига, ҳужайралар ўлимига таъсирини тадқиқ қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда биофизикавий, биокимёвий, молекуляр – биологик (флуоресцент, конфокал микроскопия, вестерн блот, хужайралар бирламчи культураларини олиш), статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган. Шунингдек олинган маълумотларни қайта ишлаш ва визуализация қилиш учун Volocity, ZEN каби замонавий дастурлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лактат ёки пируват таъсирида Паркинсон касаллигининг ирсий турлари бўлган хужайра линияларида дозага боғлиқ равишда хужайра ичи рН кўрсаткичи камайиши аниқланган;

лактат ёки пируват хужайраларнинг ҳар иккала яъни назорат ва тажриба линияларида митофагия ва аутофагияни фаоллаштириши аниқланган;

лактат ёки пируват A53T (SNCA), PINK1, PINK1/PARK2, SNCA трипликацияси мутацияларини сақловчи фибробласт хужайралари ўлимини камайтириши исботланган;

4',4''(5'')-дибутирил–добензо-18-краун-6 ва 4',4''(5'')-дивалерил–добензо-18-краун-6 каби краун эфирлар фибробласт хужайраида Ca^{2+} концентрациясини ошириши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тажриба учун олинган хужайра линияларининг деярли барчасида лактат ёки пируват дозага боғлиқ равишда хужайра ичи рН ни сезиларли даражада камайтира олиши, фибробластларини лактат ёки пируватнинг миллимоляр концентрациялари билан инкубацияси уларда митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштириши тасдиқланган; лактат ёки пируват билан фибробластларни 24 соат давомида инкубацияси фибробластларнинг ҳар иккала яъни назорат ва тажриба линияларида хужайраларнинг ўлимини камайтириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги натижалар замонавий хужайра технологиялари лаборатория услублари ёрдамида олинганлиги, натижаларнинг статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан асосланади. Бу мутахассисларнинг эксперт хулосалари, шунингдек, миллий ва халқаро илмий конференциялардаги муҳокамалар, материалларнинг рецензиядан ўтадиган илмий журналларда нашр этилиши билан изоҳланади, бундан ташқари 1 та патент олиш учун Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлигига ариза топширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар хужайра даражасида турли хилдаги ген мутациялари натижасида келиб чиқувчи ва наслдан – наслга берилувчи Паркинсон касаллигидаги митофагия ва аутофагиянинг ўрни ҳақида мавжуд билимлар таркибини тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар Паркинсон касаллигининг ирсий шакллари билан оғриган беморлар учун лактат ва пируват асосида янги терапевтик воситаларни ишлаб чиқиш, беморларга жисмоний фаолликнинг таъсири юзасидан хулоса

килиш ва индивидуал машқлар асосида даволовчи терапияни амалга ошириш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паркинсон касаллигининг ирсийланувчи турларида митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лактат ёки пируватнинг хужайра ичи рН ўзгариши орқали Паркинсон хужайраларида митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштириши ва шу орқали хужайралар ўлимини камайтира олишини кўрсатувчи илмий натижалар №821522 сонли «A quantitative approach towards the characterisation of mitochondrial dysfunction in Parkinson's Disease» номли лойиҳада нейропротекция жараёнида митофагия ва аутофагиянинг ролини очиб берган (Лондон Нейрология институтининг 2021 йил 23 сентябраги маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш Паркинсон касаллигини даволашда аутофагия жараёнининг аҳамиятини аниқлаш имконини берган;

ирсийланувчи Паркинсон касаллиги билан оғриган беморлардан олинган хужайра линияларида митофагия ва аутофагияни фаоллаштириш бўйича олинган аҳамиятли натижалардан №22-24-01043 сонли «Регуляция динамики митохондриальной сети при болезни Паркинсона» лойиҳасида нейродегенератив касалликларда митофагиянинг роли бўйича олинган натижаларни тўғри талқин қилишда фойдаланилган (Россия Фанлар Академияси Хужайра биофизикаси институтининг 2022 йил 19 январдаги маълумотномаси). Натижада ирсийланувчи Паркинсон касаллигида лактат ва пируват каби метаболитларнинг нейропротектор хусусиятини асослаш имкониятини берган;

лактат ва пируватнинг Паркинсон касаллигининг ирсий турларида митофагия ва аутофагияни фаоллаштира олишини баҳолаш борасида олинган натижалардан PZ-20170928599 рақамли «Ўзбекистон шароитларида сўвўтларини ўстириш технологияларини яратиш ва унинг асосида биологик фаол моддалар олиш» амалий лойиҳада *Dunaliella salina* AR-1 микросувўтидан олинган антиоксидантларнинг биологик таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 25 январдаги №4/1255-174-сон маълумотномаси). Натижада *Dunaliella salina* AR-1 микросувўтидан олинган биологик фаол моддаларнинг антиоксидатив таъсирини асослаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Scopus базасидаги юқори импакт факторли журналларда 1 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Наслдан наслга ўтувчи Паркинсон касаллиги турлари»** деб номланган биринчи бобида алоҳида ген мутацияси натижасида келиб чиқувчи ва айрим жараёнлари билан фарқ қилувчи Паркинсон касаллигининг механизмлари ҳақидаги умумий ва шунингдек, уларни умумлаштирувчи сигнал тизими мисолида бу митофагия ва аутофагия жараёнларининг турли ҳужайралардаги иштироки ва ушбу мутациялар натижасида келиб чиқадиган ҳужайра патологиялари борасида батафсил адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **«Митофагия ва аутофагия жараёнларининг умумий тавсифи ва Паркинсон касаллиги ривожланишидаги ўрни»** деб номланган иккинчи бобида митохондрияларда бўладиган ўзгаришларга бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган – жумладан, Паркинсонни келтириб чиқарувчи ҳар бир мутацияда кечадиган ўзгаришларнинг молекуляр механизмлари энг сўнги йиллардаги адабиётлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган. Митофагия ва аутофагия жараёнлари атрофлича ёритилган ва ушбу жараёнларнинг ҳужайра ҳаётини сақлаб қолиш ролини бажариш қобилиятига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек бу бобда митохондрия мембрана потенциали (ММР) ва ҳужайра ички рН доимийлигини сақлаш механизмлари ҳам ёритилган. Шунингдек митофагия ва аутофагия каби иккала жараёнлар ўртасидаги боғлиқликка урғу берилган ҳолатда бугунги кунда митофагия ва аутофагия ҳақидаги замонавий тасаввурлар баён қилинган. 2000 йиллардан бошлаб аутофагия ва нейродегенератив касалликлар ўртасидаги боғлиқлик юзасидан қизгин тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Гарчи аутофагиянинг нейронлар учун протектив хусусиятлари ўз тасдиғини топаётган бўлсада, бу жараённи инициирловчи триггерлар масаласи бугунги кунгача долзарб бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, биз тадқиқ этаётган метаболитлар истиқболда Паркинсон беморларини клиник даволашни персонализациясига ўз хиссасини қўшади.

Диссертациянинг **«Наслдан наслга ўтувчи Паркинсон касаллигида митофагия ва аутофагияни қайд этиш усуллари»** деб номланган учинчи

бобида тадқиқот амалга оширилган объектлар, услублар, ишда фойдаланилган қурилмалар, асбоб–ускуналар, биологик, физик–кимёвий ва статистик таҳлил услублари тавсифланган. Ишларинг кўпчилиги флуоресцент ва конфокал спектроскопиясига, шунингдек, вестерн блот усуллари ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг тўртинчи «**Лактат ва пируватнинг митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштириш орқали амалга ошувчи нейропротектив таъсири**» деб номланган бобида лактат ва пируватнинг турли хил мутацияга эга Паркинсон хужайра линияларига таъсири митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштириши билан боғлиқлигини кўрсатиб берувчи олинган натижалар келтирилган.


2016 йилда А.В.Бережнов ва А.Ю.Абрамовлар томонидан аниқланган хужайраиçi рН ўзгариши митофагия ва аутофагия жараёнларини фаоллаштирувчи триггер бўла олиши ҳақидаги тажрибаларнинг узвий давоми сифатида биз 5 хилдаги ген мутацияси натижасида келиб чиққан Паркинсон касаллиги билан оғриган беморлардан ажратиб олинган фибробластларда рН_{цит} ни ўзгартириш орқали митофагия ва аутофагияни фаоллаштирувчи метаболит сифатида лактат ва пируватнинг натрийли тузларини танлаб олдик ва улар таъсирида шикастланган митохондрияларнинг лизосомаларга колокализациясини ўрганиш бўйича тажрибаларни амалга оширдик.

1-жадвал

Тадқиқ этилган хужайра линиялари донорлари ҳақида маълумот

Хужайра линияси	Мутация тури	Ташхис	Ёш	Жинси
A53T	A53T гетерозигота SNCA гени	Паркинсон касаллиги оғир тури	51	Аёл
PINK1	гомозигота р.Try90Leufsx12 PINK1 гени	Паркинсон касаллиги	52	Аёл
PINK1/Park2	Park2/Pink1 қўшалок гетерозигота PARK2 R275W/WT + PINK1 р.Try90Leu fs*12/WT	Паркинсон касаллиги	75	Эркак
SNCA trip	SNCA гени трипликацияси	Паркинсон касаллиги эрта бошланган тури	55	Аёл
PGK-1	Фосфоглицераткиназа 1 тип мутацияси (с.1132A>C,р.Thy378Pro)			
Назорат 1		Соғлом донор	56	Аёл
Назорат 2		Соғлом донор	49	Аёл
Назорат 3		Соғлом донор	53	Эркак


Паркинсон касаллигининг турли хил мутация типларига эга фибробластларнинг базал рН кўрсаткичи. Назорат ва тажриба гуруҳидаги фибробластларнинг цитозолидаги базал рН кўрсаткичини ўлчаш учун SNARF-1 флуоресцент индикаторидан фойдаланилди. Шуни аниқладикки, A53T (SNCA), PINK1, PINK1/PARK2 мутациялари ва SNCA трипликацияси мутациясида базал рН 7.1–7.2 га тенг бўлса, фосфоглицерат киназа 1 типдаги мутациясида хужайраичи базал рН кўрсаткичи назоратга нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги аниқланди (n=40 хужайра; рН=6.7±0.1; p<0.05; 1-расм)



1-расм. Турли хил мутациялар келтириб чиқарувчи Паркинсон хужайраларида хужайраичи базал рН кўрсаткичи. N=3. n=40, *P< 0.05

Лактат концентрацияга боглиқ равишда Паркинсон хужайра линияларида цитоплазматик рН кўрсаткичини камайтиради.



Инсон танасида энг кўп миқдорда учрайдиган метаболитларидан бири бўлган лактат концентрацияси жисмоний машқлар давомида кескин ортади ва 30 мМ гача етиши мумкин. рН нинг минимал кўрсаткичи Na⁺-L – лактат томизилганидан сўнг 2-3 дақиқадан кейин кузатилди ва аста секин қайта тикланди. Шундан сўнг SNARF-1 сигналини калибровкаси учун 10 мМ NH₄Cl қўшилади ва дарҳол ювиб ташланади. Худди шу усуллар билан лактатнинг 5,10,20,30 мМ концентрациялари таъсирида турли мутацияга эга хужайра линияларида рН ўзгаришлари қайд этилди. Назорат гуруҳида максимал таъсир 10 мМ да кузатилган бўлса (N=3; n=30 хужайра; 2-расм. А,Б), PINK1, PINK1/PARK2 мутацияларига Na⁺-L–лактат назоратга нисбатан кучлироқ таъсир қилгани кузатилди (N=3; n=30 хуж; p<0,05;). SNCA генининг A53T ва трипликация мутацияларига эга хужайраларда ҳам Na⁺-L – лактатга жавобан рН камайиши кузатилди. Ўрганилган хужайра линиялари ичида фақатгина PGK мутацияси хужайраларида хужайраичи базал рН кўрсаткичи жуда кам ўзгаргани қайд этилди (N=3; n=30 хуж; *p<0,05; 2-расм В, Г.)



2-расм А. 10 мМ Na Лактат таъсирида назорат хужайраларида цитоплазматик рН ўзгаришлари. **Б.** Na⁺-L-лактатнинг 5,10,20,30 мМ концентрациялари таъсирида назорат хужайра линияларида ΔрН ўзгаришлари **В.** 30 мМ Na⁺-L-лактат таъсирида фосфоглицерат киназа (ФГК) мутациясига эга хужайраларда цитоплазматик рН ўзгаришлари **Г.** Na⁺-L-лактатнинг 5,10,20,30 мМ концентрациялари таъсирида ФГК 1 тип мутацияли хужайра линияларида ΔрН ўзгаришлари. N=3; n=30 хуж; *p<0,05

Пируват таъсирида Паркинсон хужайра линияларидаги цитоплазматик рН камайиши. Пируватни (5-30 мМ) назорат ва ПК мутацияларига эга хужайраларга таъсир эттириш концентрациявий боғлиқлик асосида рН камайишига сабаб бўлди. Турли хил мутацияларга эга хужайра линияларининг ҳар бири пируватнинг ҳар хил концентрацияларига нисбатан хилма хил даражадаги рН камайишларини намоён этди. Хусусан, пируват таъсирида рН нинг энг қуйи даражаси PINK1 мутацияли фибробластларда 30 мМ да, PINK1/PARK2 линиясида 10 ва 30 мМ да кузатилган бўлса, A53T (SNCA) ва SNCA трипликацияси линияларида қўлланилган барча концентрацияларга нисбатан сезиларли камайиш кузатилди. Хусусан, рН_{цит} 20 ва 30 мМ концентрацияларда энг паст кўрсаткичга эга бўлди. Пируват таъсирида фосфоглицерат киназа 1 тип мутациясига эга хужайраларда хужайраичи базал рН кўрсаткичи ўзгариши лактат таъсиридан фарқли равишда сезиларли даражада камайиши аниқланди.



Лактат таъсирида фибробласт хужайраларида митофагия жараёнининг фаоллашуви. 2 соат давомида лактатнинг 4 хилдаги (5,10,20,30 мМ) концентрацияси билан инкубацияланган фибробластларда митохондрияларнинг лизосомаларга колокализация фоизини ҳисоблаш натижасида, лактат ҳар иккала назорат ва таъриба гуруҳидаги фибробластларда митофагия жараёнини фаоллаштириши аниқланди (3-расм А, Б).



Б

3-расм. PINK1/PARK2 мутацияли фибробластларда лактат таъсирида фаоллашган митофагия. А. PINK1/PARK2 мутацияли фибробластларда назорат ва лактатнинг ҳар хил концентрацияси таъсиридаги колокализация фоизи. Б. PINK1/PARK2 мутацияли фибробластларда 20 mM лактат таъсиридаги митофагия жараёни. N=3, * $p < 0,05$.

Пируват таъсирида фибробласт ҳужайраларида митофагия жараёнининг фаоллашуви. 5-10 mM пируват одатда ҳужайраларда оксидланишли фосфорланишни фаоллаштириш учун I комплекса боғлиқ бўлган нафас олиш жараёнларида субстрат сифатида қўлланилади. Назорат гуруҳидаги фибробластларда 5-30 mM пируват митохондрияларнинг лизосомаларга колокализациясини 10 mM дан бошлаб сезиларли даражада орттирди (10 mM да 0.81% дан 1.85% гача). Шунингдек бу ҳолат A53T (SNCA), PINK1, PINK1/PARK2 мутацияли ҳужайраларда ҳам кузатилди бироқ нисбатан юқори яъни 30 mM концентрацияда (4-расм).




Б

4-расм. А. PINK1 мутацияли фибробластларда пируват таъсиридаги митофагия (%) N=3, * $p < 0,05$ Б. PINK1 фибробластларда 30 mM пируват таъсиридаги митофагия.

SNCA трипликацияси мутациясида эса пируват 5 mM дан бошлаб митофагияни фаоллаштира олиши аниқланди.

Соғлом ва Паркинсон касаллигининг ирсий шаклларида эга фибробласт ҳужайраларида лактат таъсирида аутофагия жараёнининг индуцирланиши. Аутофагия жараёнини баҳолаш учун аутофагосома маркери

бўлган LC3 маркерининг лизосомалар томонидан конверсияси ўрганилди. 30 мМ лактат билан инкубациялаш LC3II/I нисбатининг ортишига олиб келди, бу эса ўз навбатида аутофагосомалар сонининг ортганлигини англатади. Аутофагосомалар сонининг максимал миқдори 30-60 дақиқадан сўнг кузатилди ва сўнгра лизосомалар деградацияси туфайли аста секин камайиб боради (5-расм).





5-расм. 30 мМ Лактат таъсирида LC3II/I нисбатининг ўзгаришлари. N=3; * $p < 0,005$;

LC3II/I нисбатининг ортиши аутофагиянинг блоккланиши эмас, аксинча фаоллашиши туфайли амалга ошишини исботлаш мақсадида ҳужайралар V-ATФ аза ингибитори бўлган ва лизосомаларни ингибирловчи *бафиломицин A1* билан (50 нМ, 60 мин) ишлов берилди. Шундан сўнг *бафиломицин A1* мавжуд шароитда ҳам LC3II/I нисбатининг ортиши кузатилди (6-расм). Бу эса аутофагия лактат томонидан фаоллашганини англатади.

Биринчи ҳолда гарчи PINK1 мутациясига эга фибробластларда ўрганилган вақт бирликларида LC3 миқдори ортиши сезиларли бўлмаган бўлсада, 30 мМ лактат таъсирида аутофагия жараёнининг фаоллашганини англатувчи LC3II/I нисбатининг ортиши *бафиломицин A1* билан бирга қўлланилганда кузатилди. Бу эса биринчи ҳолда бу жараён қисқа вақт ичида юзага келиб, ўлчашдан бир оз эртaroқ амалга ошган бўлиши мумкин деган тахминга сабаб бўлди (6-расм).

Шундай қилиб, ташқаридан қўшилган 30 мМ лактат ҳатто қисқа вақт ичида қўлланилганда ҳам назорат гуруҳидаги ва ирсийланувчи ПК келтириб чиқарувчи генлар мутациясига эга фибробластларда аутофагияни фаоллаштиради.




6-расм. 30 мМ лактат бафиломицин A1 билан бирга қўлланилганда аутофагия жараёнининг фаоллашганини англатувчи LC3II/I нисбатининг PINK1 хужайраларида ортиши. N=3; *p<0,005;

Лактат ва пируват таъсирида соғлом ва шу билан бирга Паркинсон касаллиги мутацияларини сақловчи фибробластларда хужайралар ўлимнинг камайиши. Соғлом ва шу билан бирга Паркинсон касаллиги мутацияларини сақловчи фибробласт хужайраларнинг одатдаги ҳолатда 6% га яқини нобуд бўлиши аниқланди. Бу кўрсаткич A53T (SNCA) мутацияли хужайра линиясида (9.8%, N=7;) SNCA трипликацияси мутациясида (11.4%, N=9;) юқорирок эканлигини кузатдик (7-расм А).

Лактатнинг турли хил (5,10,20,30 мМ) концентрацияси билан хужайраларни 24 соат давомида инкубация қилиш натижасида назорат гуруҳида 20 мМ концентрацияда $3.3 \pm 0.7\%$ га; (N=6; p<0.05); PINK1 мутациясида нисбатан юқори яъни 20 ва 30 мМ концентрацияда мос равишда $3.2 \pm 0.2\%$ ва $2.2 \pm 0.3\%$ (N=6; p<0.05). PINK1/PARK2 ва A53T мутациялари учун эса лактатнинг фақат 30 мМ концентрацияси хужайраларни ўлимдан самарали ҳимоя қила олиши аниқланди. SNCA трипликацияси мутациясига эга фибробластларни лактат билан инкубациясида эса барча концентрацияларда (5 дан 30 мМ гача) ижобий натижа олинди.

Шундай қилиб, ПК мутацияларига эга хужайраларни натрий лактат ва натрий пируват билан инкубация қилишнинг хужайралар учун токсиклиги кузатилмади, аксинча 20–30 мМ концентрацияларда хужайраларни ўлимдан ҳимоя қилиши аниқланди.




7-расм. А. Лактат таъсирида соғлом ва шу билан бирга Паркинсон касаллиги мутацияларини сақловчи фибробласт хужайралар ўлимининг камайиши. N=6; *p<0.05
 Б. Пируват таъсирида соғлом ва Паркинсон касаллиги мутацияларини сақловчи фибробласт хужайралар ўлимининг камайиши. N=7; *p<0.05; **P < 0.01; ***P < 0.001.

Фибробластларни 24 соат давомида пируват билан инкубация қилиш назорат гуруҳи, A53T ва SNCA трипликацияси мутациясига эга хужайралар учун ҳар тўрттала концентрацияда ижобий натижа берган бўлса, PINK1 мутацияли фибробластларда 10 мМ дан бошлаб таъсир кўрсатди ва 30 мМ да максимумга эришди (2.1% ўлик хужайралар; N=7; p<0.001; 7-расм Б). Қизиқарли жиҳати, PINK1/PARK2 мутациясига эга фибробластларда 24 соатли пируват билан инкубация паст концентрацияларда (5-10 мМ) самараралироқ эканлиги маълум бўлди. Шундай қилиб, пируват ҳатто қисқа вақт ичида қўлланилганда ҳам назорат гуруҳидаги ва ирсийланувчи ПК келтириб чиқарувчи генлар мутациясига эга фибробластларда хужайраларни ўлимдан ҳимоя қилиши аниқланди.

Ионофор хусусиятларига эга краун эфирлар фибробласт хужайралари мембранаси орқали Ca²⁺ транспортини дозага боғлиқ равишда оширади. Митохондрияларни сифат жиҳатидан назорати хужайрада митохондриялар деградацияси яъни митофагия бошқарилувининг бир қанча йўллари ўз ичига олади ва шу орқали хужайранинг бутун ҳаёт фаолияти давомида уларнинг функционал фаолиятини таъминлаб туради. Ҳозирда митофагияни фаоллаштирувчи кўплаб механизмлар маълум. Улардан бири бу Ca²⁺ концентрациясидир. Ca²⁺ ва Паркинсон касаллиги ўртасидаги боғлиқлик борасидаги ҳозирда маълум билимлардаги бўшлиқлардан бири бу ПК келтириб чиқарувчи ген мутацияларининг қай тарзда дофаминергик нейронлардаги Ca²⁺ триггер жараёнларига таъсир кўрсатишидир. ПК келиб чиқишида дофамин етишмаслиги билан бир қаторда касалликни келтириб чиқарувчи ва ирсийланувчи мутацияларни летал бўлишида Ca²⁺ иштирокини ўрганиш лозим. Мутациялар натижасида оксил агрегатлари ҳосил бўлиш тезлиги, митофагия, аутофагия каби жараёнларга Ca²⁺ ионлари таъсирини ўрганишда махсус Ca²⁺ специфик ионофорлар (A23187) дан фойдаланилади. Биз ўз тажрибаларимизда Ca²⁺ нинг алтернатив ионофори сифатида 4',4'' (5'')-дибутирил–дибензо-18-краун-6 ва 4',4'' (5'')-дивалерил–дибензо-18-краун-6

каби краун эфирлардан фойдаландик (8-расм). Фойдаланилган краун эфирлар профессор А.К. Ташмухамедова томонидан тақдим этилган.



8-расм. 4',4''(5'')-дибутирил–добензо-18-краун-6 таъсирида фибробласт хужайраларида цитоплазматик Ca^{2+} концентрацияси ортиши. А. 10 nM концентрацияда назорат-1 хужайраларида $[Ca^{2+}]_{цит}$ миқдори ортиши. Б. 100 nM концентрацияда назорат-2 хужайраларида $[Ca^{2+}]_{цит}$ миқдори ортиши. N=3; n=30

Тажрибалар фибробласт хужайраларида амалга оширилди ва натижада ҳар иккала краун эфирлар дозига боғлиқ равишда мембрана орқали Ca^{2+} транспортини ошириб, цитоплазматик Ca^{2+} концентрациясини ошириши аниқланди (8-расм). Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бунда 4',4''(5'')-дибутирил–добензо-18-краун-6 нинг таъсири кучлироқ намоён бўлди.

Паркинсон касаллиги, шунингдек, нормал қариш жараёнларида маҳаллий Ca^{2+} дефицити кузатилиши юзасидан кўплаб далиллар мавжудлигига қарамасдан, нейронлар стимуляцияси вақтида Ca^{2+} нинг айнан митохондриялар функциясини издан чиқариши ҳақидаги ғоялар ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган. Бу каби жараёнларни тадқиқ қилиш учун керакли инструментлар қаторига биз фойдаланган краун эфирларни ҳам киритиш мумкин.

Тадқиқотларимизда биз бош мия энергетик метаболизмида иштирок этувчи икки метаболит яъни лактат ва пируват концентрацияга боғлиқ равишда хужайра цитоплазмасини рН ни қисқа муддатга кислотали муҳит томон силжитишини аниқладик. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, бундай рН ўзгаришлари турли хилдаги мутацияларга эга хужайраларда ҳам индуцирланиши аниқланди. Хужайраларнинг цитоплазматик рН га 30 mM лактат ёки пируватнинг максимал таъсирини, бош мия ишемияси вақтидаги хужайраичи $[pH]_{цит}$ нинг 6.5 га ёки ундан паст кўрсаткичгача тушишига солиштириш мумкин. $[pH]_{цит}$ кўрсаткичлари хужайраларда бир қатор жараёнларни бошқаради. Хусусан, нейронларда қисқа муддатли кислотали муҳит уларнинг фаоллигини сусайтиради (Sinning A., Hubner C.A. 2013). Фибробластларда эса бундай рН ўзгариши хужайра бўлиниш жараёнини ингибирлайди (Paris S., Pouyssegur J., 1984). Шунингдек, гарчи рН нинг камайиши апоптозни триггери бўла олиши мумкинлиги ҳақида далиллар мавжуд бўлсада (Schwartz L et al. 2020), биз ўз тажрибаларимизда хужайра

цитоплазмасида экспериментал юзага келтирилган ва бир неча дақиқаларда қайта тикланган рН ўзгаришлари назорат ва ирсий турдаги Паркинсон касаллигига эга фибробласт хужайраларида аксинча, фақатгина ижобий таъсирини кузатдик. Ўрганилган мутацияларга эга хужайраларда митохондриялар дисфункцияси ҳам кузатилиши туфайли (Abramov A.Y et al., 2017) лактат ва пируватнинг хужайра биоэнергетикаси таъсирини ҳам алоҳидла эътиборга олиш лозим (Gandhi S et.al, 2012). Шунингдек, лактат фибробластларда оксидланишли – фосфорланиш ва гликолиз ўртасида восита сифатида хужайраларнинг ҳаёт фаолиятида муҳим ўрин тутади (Kozlov A.M., 2020).

Паркинсон касаллиги билан боғлиқ мутациялар бош мианинг алоҳида қисмларида нейродегенератив жараёнларни индуцирлайди. Бош мианинг турли хил қисмларидан ажратиб олинган нейронлар ва астроцитларнинг энергия метаболизми, редокс тизими бир биридан фарқ қилади ва бу кўрсаткичлар митофагияга таъсир кўрсатиши мумкин (Cheng X.P.et.al., 2021). Паркинсон билан оғриган беморлардан олинган фибробластлар нейронларга нисбатан солиштирилганда Паркинсон мутацияларининг митохондриал метаболизмга таъсирини ўрганиш учун муҳим ва мос келувчи модел ҳисобланади (Abramov A.Y. et al., 2011). Шу сабабли, Паркинсон мутацияларига эга фибробластлардан фойдаланган ҳолда лактат ва пируватнинг митофагия ва аутофагия жараёнларига таъсирини ўрганиш мумкин.

Хужайра ички муҳитини FCCP ва нигерицин таъсирида кислотали муҳит томон ўзгариши PINK1 га боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган ҳолда митофагия ва аутофагияни фаоллаштириши аниқланган (Berezhnov A.V. et al., 2016). Лактат ва пируватнинг миллимоляр концентрацияларида кузатилган $[pH]_{цит}$ ўзгаришлари FCCP нинг $10 \mu M$ ва нигерициннинг $1-3 \mu M$ концентрацияларида ҳам кузатилган. Бироқ, ушбу ионофорлардан фарқли равишда лактат ёки пируват таъсирида $[pH]_{цит}$ пасайиши хужайраларнинг ўлимини келтириб чиқармади.

PINK1 ва PARK2 га боғлиқ бўлган митофагия митохондриал мембрана потенциали кескин камайиб кетиши ёки бутунлай йўқолиши шароитида амалга ошади (Narendra & Youle 2011). Лактат ва пируват эса кўп ҳолларда ана шу митохондриал мембрана потенциалини қайта тиклайди (Abramov A.Y. & Angelova P.R., 2019; Erdelyi P. et.al. 2011). Шунингдек, инобатга олган ҳолда, лактат ёки пируватнинг митофагия ва аутофагия жараёнларига таъсири митохондриал мембрана потенциалига боғлиқ бўлмасдан, цитоплазматик $[pH]_{цит}$ нинг кислотали томонга ўзгарганлиги сабабли юзага келган. Биз ўз тажрибаларимизда PINK1 ва PARK2 генлари мутациясига эга хужайраларда ҳам лактат ва пируват таъсирида $[pH]_{цит}$ камайиши ва бунинг оқибатида митофагия ва аутофагия жараёнлари фаоллашишини аниқладик. Бу эса яна бир бор митофагиянинг PINK/Parkin га боғлиқ бўлмай, биз кўллаган моддаларнинг миллимоляр концентрациялари томонидан фаоллашганини тасдиқлайди. Бошқа турдаги мутацияга эга хужайраларда эса

митофагиянинг PINK/Parkin йўли иштирок этиши мумкинлигини эса рад эта олмаймиз.

Шунингдек, қондаги лактат миқдори ва хужайра цитоплазмасининг кислотали томон ўзгаришларига бир қатор омиллар сабаб бўлиб, улардан энг муҳим икки жараён: қисқа муддатли очлик (Dutta D et.al. 2014), ҳамда жисмоний машқлар (Volianitis S et al. 2018; Vainshtein A et.al. 2015) организм учун фойдали эканлиги маълум.

Биз ўз тажрибаларимизга асосланиб, Паркинсоннинг ирсийланувчи шакли ташхиси қўйилган беморларда жисмоний машқлар давомидаги лактат моддасининг ортиши митофагия ва аутофагия каби жараёнларни фаоллаштириш ва нейропротектив таъсир кўрсатиш орқали организмга фойдали эканлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Лактат ва пируват A53T (SNCA), PINK1, PINK1/PARK2, SNCA трипликацияси мутацияларига эга хужайра линияларида цитоплазматик рН кўрсаткичини дозага боғлиқ равишда сезиларли даражада камайтириши аниқланди.

2. Лактат ва пируват 20 ва 30 мМ концентрацияларда назорат ва Паркинсон касаллиги мутацияларига эга хужайра линияларида митофагия жараёнини фаоллаштириши аниқланди. Бунда лактат ва пируват таъсири хужайралардаги базал митофагия даражасига боғлиқ эмаслиги қайд этилди.

3. 30 мМ лактат A53T (SNCA), PINK1, PINK1/PARK2, SNCA трипликацияси мутацияларига эга хужайра линияларида LC3II/I нисбатининг 150% ±5.6% га орттириб, аутофагия жараёни фаоллаштириши қайд этилди.

4. Узок муддат (24 соат) давомида фибробластларни лактат ёки пируват билан инкубация қилиш хужайралар ўлимини назорат хужайраларида (6% дан 3,3% га), A53T да (9,8% дан 1,2% га), PINK1 (6% дан 2,2%), PINK1/PARK2 (7,1% дан 5,4% га), SNCA трипликациясида (11,4% дан 1,6% га) камайтириши аниқланди

5. 10 нМ ва 100 нМ концентрацияларда 4',4''(5'')-дибутирил-дибензо-18-краун-6 ва 4',4''(5'')-дивалерил-дибензо-18-краун-6 эфирлари соғлом фибробластлар цитоплазматик Ca²⁺ миқдорини ошириши аниқланди.

6. Олинган натижалар Паркинсон касаллигида кузатиладиган митохондриялар дисфункцияси натижасида лактат миқдорининг ортиши ва шу лактатнинг шикастланган митохондрияларни камайтириши ўртасида манфий акс алоқа мавжудлигини намоён этди.

**SCIENTIFIC COUNCIL FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc03/30.12.2019.B.01.13 AT THE INSTITUTE OF BIOPHYSICS AND
BIOCHEMISTRY OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

INSTITUTE OF BIOPHYSICS AND BIOCHEMISTRY

KOMILOVA NAFISA RAJABOVNA

**ACTIVATION OF MITOPHAGY AND AUTOPHAGY IN FAMILIAL
FORMS OF PARKINSON'S DISEASE, AS A POTENTIAL STRATEGY
FOR CELL PROTECTION**

03.00.02 – Biophysics and radiobiology

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)
OF BIOLOGICAL SCIENCES**

Tashkent – 2022

The title of the dissertation of PhD has been registered with number B2021.3.PhD/B624 at the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation has been prepared at the National University of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages has been placed on the website of the Scientific Council (www.ibb-nuu.uz) and on the website of «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziynet.uz).

Scientific supervisor: **Mirkhodjaev Ulugbek Zakirovich**
doctor of biological sciences, professor

Official opponents: **Merzlyak Petr Grigoryevich**
doctor of biological sciences

Baev Artem Yuryevich
doctor of philosophy in biological sciences (PhD)

Leading organization: **Tashkent pediatric medical institute**

The dissertation will be defended on 13 April 2022 year 14⁰⁰ at the meeting of the Scientific Council DSc.03/30.12.2019.B.01.13 at the Institute of Biophysics and Biochemistry, at the National University of Uzbekistan at the following address: 100174, Tashkent city, Almazar district, Student's town, University st., 174. Phone: (99871) 262-68-96.

The dissertation has been registered at the Information Resource Centre of Institute of Biophysics and biochemistry, National University of Uzbekistan (registration number № 33). Address: 100174, Tashkent city, Olmazor district, Student's town, University st., 174. Phone: (99871) 262-68-96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru.

The abstract of the dissertation has been distributed on «24» March 2022.
(Protocol at the register № 1 dated «24» March 2022).



Sabirov Ravshan Zairovich
Chairman of the Scientific Council Awarding
Scientific Degrees, D.B.Sc., academician

Pozilov Mamurjon Komiljonovich
Scientific secretary the Scientific Council
Awarding Scientific Degrees, D.B.Sc.

Axmedjanov Iskandar Gulyamovich
Chairman of the academic seminar under the
Scientific Council Awarding Scientific Degrees,
D.B.Sc., professor

INTRODUCTION (abstract of PhD dissertation)

The scientific relevance of the topic of the dissertation. Parkinson's disease (PD) is the world's second most prevalent neurological illness (after Alzheimer's disease). The condition affects 0.3 % of the world's population, and the disease's prevalence rises with age: it can reach 1% after the age of 55, and up to 4% among those over the age of 70. According to the «International Association of the Working Group» on Parkinson's Disease, the illness will begin to have a substantial influence on persons of working age in the next years. Currently, the condition affects one out of every ten individuals under the age of 50, and one out of every twenty patients under the age of 40. The research of molecular processes of disease pathogenesis and the development of efficient therapeutic strategies are both scientific and practical priorities in this area.

In recent years, the world's premier research institutes have been doing considerable research focused on developing new generations of medications that activate the autophagy process to treat a variety of disorders, including neurological diseases like Parkinson's. Autophagy, or the cell's capacity to eliminate damaged proteins and organelles, linked to the progression of disease processes. Increased death of dopamine-synthesizing neurons, primarily in the cerebral cortex and other parts of the central nervous system, caused by disruption of the mitophagy process, which is a method of mitochondria clearance in a harmless way, and the subsequent disruption of the autophagy process. Despite the advances gained in activating autophagy processes in many illnesses, molecular pathways must now be determined.

Basic and applied researches conducted in our country to study the pathogenic modifications that occur in cells with neurodegenerative disorders. «Further growth of the pharmaceutical industry, enhancing the provision of inexpensive, high-quality medications and medical supplies to the people and medical institutions»¹ according to the Action Strategy for the five priority areas of the Republic of Uzbekistan's future development. In this regard, study into the molecular processes of cell apoptosis in Parkinson's disease, which is becoming more prevalent in the population, is essential for social health.

This dissertation research contributes to the implementation of the tasks set out in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan №.4310 "On measures to further develop the system of medical and pharmaceutical education and science" and "On measures to improve the quality of education and scientific efficiency in the field of chemistry and biology" dated on August 12, 2020 № 4805.

Correspondence of research to the priority directions of development of science and technology of the Republic of Uzbekistan: This study conducted in

¹ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PF-4947 "On the Action Strategy for further development of the Republic of Uzbekistan"

line with the republic's VI priority for scientific and technological development "Medicine and Pharmacology".

Level of knowledge of the problem: Nowadays, the key mechanisms of Parkinson's disease and various ways of therapy are widely studied. The main feature of this disease is the accumulation of protein and protein inclusions prone to aggregation, which are markers of neurodegenerative diseases and have important pathogenetic significance (Xilouri, Stefanis, 2010). The accumulation of pathogenic α -synuclein occurs with the formation of Lewy bodies (Recasens, Dehay, 2014). α -synuclein becomes pathogenic due to its mutations A53T, A30P, and E46K (Singleton et al., 2003). In turn, these abnormal forms of α -synuclein interact with ATP synthase and open PTP, which leads to cell death of neurons (Abramov et al., 2018). In addition to mutant α -synuclein, Lewy bodies contain more than 90 other proteins, including such PD markers as proteins DJ-1, LRRK2, PARKIN, PINK-1, etc. (Seidel et al., 2010). It was established that mitophagy and autophagy can be initiated by the changes in intracellular pH (Berezhnov et al., 2016).

